# САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**24 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар куни**

### БИЗНИНГ КОНСУЛЬТАЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган навбатдаги сайловлар яқинлашиб келаётган шу кунларда республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида округ сайлов комиссияларининг мажлислари бўлиб ўтаётир. Бу мажлисларда жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари томонидан давлат ҳокимият органларига депутатликка кўрсатилган номзодлар тантанали суратда ва якдиллик билан рўйхатга олинди. Шу билан бирга сайлов округларида депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувига бағишланган сайловолди йиғилишлари ҳам бўлаётир. Уюшқоқлик ва ишчанлик вазиятида ўтаётган бундай йиғилишларда сайловчилар депутатликка номзодларнинг фаолиятларини муҳокама қилиш, фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин баён этиш ва ўз номзодларига катта ишонч билдириш билан бирга уларга наказлар ҳам бермоқдалар.

Хўш, сайловчилар наказн нима? Уни бажариш қандай амалга оширилади?

«Ўзбекистон ССРда сайловчилар наказлари билан ишлашни ташкил қилиш тўғрисида низом»нинг 1-моддасида шундай ёзилган: «Сайловчилар наказлари сайловолди йиғилишларида маъқулланиб, сайловчиларнинг ўз депутатларига берган, халқ депутатлари Советларининг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш фаолиятини яхшилашга, улар территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлашга, кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик топшириғидир».

Социалистик жамиятда сайловчилар томонидан депутатларга наказлар берилиши ҳақиқий ва реал демократиянинг амалга оширилиш формаларидан биридир. Сайловчилар наказлари аҳолининг иродаси ва манфаатларини ифодалайди, гражданларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлайди.

Сайловчилар наказлари совет кишиларининг иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг муваффақиятли бажарилиши учун, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ишларини такомиллаштириш учун жон куйдираётганликларини кўрсатади. Бу наказлар жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларига даҳлдор бўлиб, ҳар бир совет кишисининг манфаатини ифодалайди.

1980 йил февраль ойида бўлиб ўтган сайловлар вақтида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига Тошкент области меҳнаткашларидан жами 125 та наказ тушган бўлиб, улардан 4 таси комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни планлаштиришга, 3 таси саноат корхоналари қурилиши ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишига, 7 таси қишлоқ хўжалиги тармоқларига, 16 таси йўл қурилиши, транспорт ва алоқа, 33 таси уй-жой, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш, 4 таси савдо ва умумий овқатланиш, 11 таси маиший хизмат, 21 таси фан, маданият ва халқ маорифи, 14 таси соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт, қолган 12 таси эса халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига тааллуқли эди. Агар область маҳаллий Советларининг кўпминг сонли депутатларига берилган наказларни ҳам қўшадиган бўлсак, соҳалар доираси янада кенгаяди, албатта.

Меҳнаткашларнинг социалистик экономикани, фан ва маданиятни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган наказларини бажариш катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма Советлар ва депутатларнинг конституцион бурчига айлантирилган.

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 1 сентябрдаги «Сайловчилар наказлари билан ишлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида ҳар бир Иттифоқдош республикада, шу жумладан Ўзбекистон ССРда ҳам сайловчилар наказлари билан ишлашни ташкил этиш тўғрисида махсус Низом қабул қилинди. Бу билан сайловчилар наказларининг аҳамияти янада ортди, уларга нисбатан эътибор кучайди.

Республикамизда меҳнаткашларнинг таклифларини амалга оширишда анча яхши тажриба орттирган маҳаллий Советлар оз эмас. Жумладан, Тошкент области маҳаллий Советлари ҳам бу соҳада салмоқли ишлар қилди. 1980 йилда ўтказилган сайловлар вақтида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига берилган 125 та наказнинг 70 процентидан кўпроғи бажарилди, бир қисми амалга оширилляпти, қолганлари эса 1985 йил планига киритилган. Фақат республика Олий ҳокимияти органи депутатларига тушган ана шу наказларнинг амалга оширилиши натижасида кейинги йилларда Тошкент областида 12 та мактаб учун янги бино ёки қўшимча хоналар, ҳар бири 280 ўринли олтита замонавий болалар боғчаси, иккита поликлиника, иккита касалхона, 38 та кўп хонали уй, иккита ҳаммом, меҳмонхона, чорвачилик комплекслари, бир қанча магазин ва ошхоналар қурилди. 14 та аҳоли пунктини газлаштириш, 6 та қишлоқни водопровод суви билан таъминлаш, янги йўллар қуриш, боғ-роғлар барпо этиш, бир қатор қишлоқ ва посёлкаларни ободонлаштириш юзасидан ҳам катта ишлар қилинди.

Яна бир мисол. 1982 йил июнь ойида бўлиб ўтган область маҳаллий Советларига сайловлар пайтида депутатларга берилган жами 5084 наказнинг қарийб 95 проценти бажариб бўлинди. Жумладан, фақат ўтган йилнинг ўзида 1500 га яқин наказ амалга оширилди. Красногорск ва Чиғириқ посёлкаларида 5550 квадрат метр турар-жой, Оҳангарон шаҳрининг 4-микрорайонида янги мебель, саноат ва озиқ-овқат моллари магазинлари, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозида 280 ўринли болалар боғчаси, Туябўғиз посёлкасида 100 ўринли шифохона, 320 ўринли мактаб ва бошқа объектлар қуриб битказилди.

Сайловчилардан тушган наказларни кўриб чиқиш ва ҳисобга олиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш халқ депутатлари Советлари зиммасига юклатилган. Наказларнинг рўёбга чиқарилишида халқ депутатларининг роли каттадир. Айрим ҳолларда эса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шуни ҳисобга олиб, депутатлар статуси тўғрисидаги Қонунда: «Депутат наказларни бажаришга аҳолини уюштиришда ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шу наказларни қандай амалга ошираётганлигини контроль қилишда қатнашади, наказларни амалга оширишга ҳаракат қилади»,— деб уқтириб ўтилган.

Депутатлик бурчларини бажаришда ана шу қонунга амал қилиб, сайловчилар олқишига сазовор бўлаётган халқ вакиллари оз эмас. Область Советининг депутатларидан Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг сут соғувчиси М. Қўлдошева фермада янги молхона ва озуқа цехи қурилишига эришди. Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси Л. Козлова эса бирлашма учун қурилаётган касалхонанинг ишга туширилишини тезлаштиришга ўз таъсирини ўтказди. Ангрен шаҳар Советининг депутатларидан 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси А. Аннамуродов билан кулолчилик заводининг ишчиси Е. Саматоевлар завод қошида йирик профилакторий ва ёшлар учун ётоқхона қурилишига катта ҳисса қўшдилар. Ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари депутатлари фаолиятидан шундай мисолларни келтириш мумкин.

Депутатнинг бурчи наказларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли орган, идора, ташкилот ва корхоналарга мурожаат қилишдан ва сайловчилар топшириғининг амалга оширилишини назорат қилиб боришдангина иборат эмас. Балки улар сайловчилар ўртага ташлаган масалаларни ҳал этишнинг аниқ йўл-йўриқларини топиш устида мустақил изланишлари ҳам зарурдир. Маълумки, наказлар орасида аҳоли пунктларини ободонлаштириш, истироҳат боғлари ва хиёбонлар барпо этиш, йўллар ва кўприкларни созлаш, сартарошхона, тандирли нонвойхона ёки маиший хизмат корхоналарининг қабул пункти учун кичик хоналар қуриш каби катта маблағ ва техника талаб қилмайдиган наказлар жуда кўп. Бундай наказларни депутатларнинг ўзлари маҳалла комитетлари ва жамоатчи активлар билан биргаликда аҳолини жалб этиш, уларга бош-қош бўлиб, ҳашарлар уюштириш йўли билан ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ҳар сафар бўлганидек, яқинлашиб келаётган сайловлар муносабати билан меҳнаткашлар ўз депутатларига катта ишонч билдириш билан бирга бир қатор наказлар берадилар. Шунинг учун маҳаллий Советлар ижроия комитетлари раҳбар ва мутахассис кадрлардан иборат махсус комиссиялар тузиб, сайловчилардан тушаётган ҳар бир наказни синчиклаб ўргансалар, уларнинг ўз вақтида ва тўла бажарилишини таъминлаш юзасидан кўриладиган амалий чораларни ҳозирданоқ белгилаб борсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Р. МАШРАПОВ,**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул ходими.**




# 340 ИХТИСОС БЎЙИЧА

Ўзбекистонда ҳунар-техника таълими системаси Совет ҳокимияти йилларида тараққиётнинг катта йўлини босиб ўтди. Агар 1925 йилда республикада 16 ҳунар мактаби, 19 ҳунар курси, 4 ФЗУ ва 4 ўқув ишлаб чиқариш устахонаси бўлиб, уларда 4 минг киши таълим олган бўлса, ҳозирги вақтда 568 ўрта техника билим юртида 277 минг ўқувчи уч юз қирқта ихтисос бўйича касб ўрганмоқда. Республикамизнинг ҳамма шаҳар ва районларида ҳунар-техника тармоғи жадал ривожланди.

Хусусан, тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликларда бу борада баракали натижаларга эришилди. Шу давр ичида 364 та билим юрти ташкил топди ва 775 минг нафар малакали ишчи тайёрланди. Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида эса 105 та янги билим юрти ишга туширилди ҳамда халқ хўжалигига 573 минг малакали ишчи тайёрлаб берилди.

Ҳунар-техника билим юртларининг моддий базаси йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Улар ҳозирги замон жиҳозлари, асбоб-ускуналари, техника воситалари, махсус ўқув кабинетлари, кўргазмали қуроллар ва бошқа ашёлар билан таъминланди. Давлатимиз томонидан қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига кўплаб тракторлар, пахта териш машиналари ажратилди.

Ҳозирги давр ишчи ўринбосарлари тайёрлашда сифат ўзгаришлари ясаш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу эса моддий базани мустаҳкамлаш билан бирга инженер-педагог ходимларнинг илмий-назарий савиясини, касб маҳоратини ҳар қачонгидан ҳам ошириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам айни кунларда республика билим юртларида хизмат қилаётган 21 мингдан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш мастерларининг малакаси босқичма-босқич ошириб борилмоқда. Педагог ва инженер кадрлар билим даражасининг ортиши, улар маънавий оламининг бойиши ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини юқори поғонага кўтаришда катта қулайликлар яратаётир. Бу ишда педагогик коллективлар билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент «Компрессор» заводи ва бошқа кўплаб корхоналар, колхоз, совхозлар оталиқ қилаётган билим юртларида ёшларни оталарнинг меҳнат ва жанговар анъаналари руҳида тарбиялаш яхши йўлга қўйилган. Бу жойлардаги ҳунар масканларида ўтказилаётган уч авлод учрашувлари, ишчи сафига қабул қилиш кунлари, мураббий ва шогирдлар давра суҳбатлари бўлажак ишчиларга ҳаётда мустақил йўл топиб олиш, уларда ўз ҳунари ва ўзи бириктилган корхонага меҳр уйғотишда катта аҳамият касб этмоқда.

Педагогик коллективлар ўқувчиларда меҳнатга бўлган ихлосни оширишда жанговар шуҳрат ва меҳнат анъаналари музейларидан ҳам самарали фойдаланмоқдалар. Ҳозир республика билим даргоҳларида бундай музейлар ва интернационал дўстлик клублари сони 400 дан ошиб кетди.

Биз ёш авлодни тарбиялашда билим юртларини битириб, ҳозирги пайтда халқ хўжалигида ҳалол меҳнат қилаётган донгдор кишиларнинг орттирган тажрибаларидан ҳам фойдаланмоқдамиз. Ана шундайлар орасида 45 нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кўплаб давлат мукофотининг лауреатлари, ишлаб чиқариш новаторлари борлиги айниқса фахрланарлидир. Бугунги кунда номи мамлакатимизга танилган Анастасия Чудная, Мунаввар Исоқова, Буолма Жўраева, Каромат Ёқуббоева сингари меҳнат фидокорларининг сермазмун ҳаёт мактаби ишчи-хизматчи сафига отланган ҳар бир ёш учун катта ибратдир.

Маълумки, мактабни ислоҳ қилиш бўйича белгиланган Асосий йўналишларда ёшларни жисмоний баркамол бўлиб етишишларига ҳам катта эътибор берилган. Бунинг учун бизда зарур база яратилган. 215 спорт зали, 110 гимнастика майдони, жуда кўплаб футбол, волейбол, баскетбол майдонлари талабалар хизматида. Сўнгги йиллар ичида билим юртларининг 230 мингдан кўпроқ ўқувчиси физкультура ва спорт билан изчил шуғулланмоқда. Тошкент шаҳрида қуриб битказилган ўқув-машқ базасининг иккинчи навбати оммавий-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш маркази бўлиб қолди.

Лекин бизнинг системамиздаги кўпгина билим юртларининг ўқув моддий базаси ҳозирги замон талабларига тўла жавоб бермайди. Улардан айримлари эски, ноқулай биноларга жойлашган. Ўқув кабинетлари, ишлаб чиқариш участкалари етишмайди. Қишлоқ хўжалик механизаторлари тайёрлайдиган билим юртларидан баъзилари етарли даражада ўқув хўжаликларига эга эмаслар. Бугунги давр талабига жавоб берадиган жиҳозлар, ускуналар, дастгоҳлар, машина ва механизмларга эҳтиёжи катта бўлган билим юртларимиз ҳам анчагина. Агар биз ўз ишимизни КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорлари асосида баҳолайдиган бўлсак, олдимизда жуда улкан вазифалар турганлигини яққол тасаввур этамиз. «Ислоҳот,— дейилади КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорида,— умумий таълим ва ҳунар мактабининг ишини сифати жиҳатидан янги поғонага кўтариш, унинг фаолиятидаги камчиликларни тугатиш, ўқувчиларнинг фан асосларини чуқур ўрганишини, уларда мустаҳкам коммунистик эътиқодлар, меҳнатсеварлик, аҳлоқий поклик таркиб топтирилишини, уларни социалистик кўп миллатли Ватанимизга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёрлик руҳида тарбиялашни таъминлаши лозим».

Шу кунларда ҳунар-техника таълимининг маҳаллий органлари билим юртларининг инженер-педагогик коллективлари халқ хўжалигига 160 мингга яқин, беш йиллик мобайнида эса 700 минг малакали ишчи кадрларни етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу муносабат билан асосий йўналишларда қайд этилганидек, ҳунар-техника таълими системасидаги барча типдаги ўқув юртларини ягона типга — «ўрта ҳунар-техника билим юрти»га айлантириш бўйича амалий ишлар бажарилди. Бундай билим юртларида ўқувчилар маълум ихтисос эгаси бўлиш билан бирга тўла ўрта маълумот ҳам олмоқдалар.

Ислоҳотнинг юксак талаблари асосида моддий базани мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга киришилди. Янги ҳамда қўшимча бинолар қуриш режалари белгилаб олинди. Бу эса келгусида кадрлар тайёрлаш сонини кўпайтириш имконини беради. Шу беш йилликда министрлик ва идоралар зиммасига 51 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 77 та комплекс билим юртлари ҳамда 10 минг 200 ўринли 23 та ўқув корпуси қуриб бериш мажбурияти юклатилган. Биз ўрта ҳунар-техника билим юртларида ўқув кабинетларини тўла жиҳозлашни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Биз ўз касбини пухта севган педагог ва тарбиячиларга, ишлаб чиқариш таълими мастерларига ҳам катта эҳтиёж сезмоқдамиз. Шу муносабат билан Тошкент политехника ва тўқимачилик, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди. Бу олий ўқув юртлари ҳунар-техника билим юртлари учун кадрлар тайёрлашда катта ёрдам беради.

Зиммамизда жуда улкан вазифалар турипти. Шубҳа йўқки, республика ҳунар-техника таълими системаси ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг мактаб, маориф, ҳунар-техника таълими тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлигидан руҳланган ҳолда бу соҳани бугунги талаблар даражасида ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшаверадилар.

**П. ҚАЮМОВ,**
**Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси.**



**✦ ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг «Материалшунослик» кафедрасида ўқув ишлаб чиқариш устахоналарининг янги корпуси фойдаланишга топширилди. Суратда: ўқитувчи М. Ҳайдарова (чапда) талабалар билан устахонада.**
Р. Шамсуддинов фотоси.

## РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ ҲАЁТИДАН

### Университет иш бошлади

Ўрта Чирчиқ район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг органи «Машъал» газета редакцияси ҳузурида ташкил этилган икки йиллик ишчи-қишлоқ мухбирлари университети иш бошлади. Биринчи машғулотда газета редактори М. Хўжаева тингловчиларни ўқув программаси билан таништирди. Сўнг «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси адабиёт ва санъат бўлими мудири Н. Эгамназаров тингловчилар билан суҳбат ўтказди.

Университетда лекциялар ўқишга областимизнинг етакчи журналистлари, хўжаликларнинг бош мутахассислари, қизиқ тақдирли машҳур кишилар таклиф этилади.

✦

### Комплексда конференция

Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози чорвадорлари сменадан сўнг чорвачилик комплекси клубига йиғилишди. Бу ерда «Ленин байроғи» район газетаси ижодий коллективи билан учрашув бўлиб ўтди.

Газетхонлар конференциясида сўзга чиққан газета редакторининг ўринбосари Ҳабиба Шерова ижодий коллективнинг ўтган йилги иш якунлари ва бу йилги режалари ҳақида сўзлаб берди.

Газетхонлардан илғор сут соғувчи Юлдуз Содиқова, 48-мактаб ўқитувчиси Сойим Исҳоқов, чорвадор Анвар Пардаев ва бошқалар берилаётган материалларни чуқур таҳлил қилдилар ва янги-янги темаларни тавсия этдилар.

Газетхонлар конференцияси жонли ва қизиқарли ўтди. Учрашув охирида ҳаваскор шоирлар ўз шеърларидан намуналар ўқиб бердилар.

**А. РАҲИМОВ.**

## БУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛМОҚДА

ЧИРЧИҚДАГИ ёрдамчи корхоналар комбинати коллективи шарафли ва масъулиятли вазифани бажармоқда. Бу ерда энергетика қурилишлари учун турли хил бинокорлик материаллари тайёрланмоқда. Ишчи-хизматчилар зиммаларидаги вазифани чуқур ҳис қилган ҳолда зарбдорчасига ишламоқдалар.

Жанубий Қозоғистон ГРЭСи, Қирғизистондаги Қурпсой гидроэлектростанциясида ҳосил қилинадиган нурни узатиш линиялари учун тиргаклар вақтида жўнатилди. Қардош Туркманистон буюртмаси ҳам белгиланган муддатда етказиб берилди.

Комбинат ишчилари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилини муваффақиятли якунлаш учун курашмоқдалар. Айни кунларда барча цехлар ва участкаларда совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги буюк Ғалабаси 40 йиллиги ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа авж олиб кетди. Унда иштирок этаётган 2-металл конструкциялари цехи ишчилари ҳаммадан ҳам унумли ишлашяпти. Улар графикдагидан кун сайин илдамлаб боришмоқда. Цехнинг И. Абдувалиев ва З. Ҳусниддиновлар раҳбарлик қилаётган бригадалари коллективлари планларни бажаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ СИРТҚИ АТЕИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БИРИНЧИ машғулотни Тошкент давлат педагогика институтининг доценти, фалсафа фанлари кандидати Сафар УТАНОВ олиб боради.**

# ДИННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УНИНГ РЕАКЦИОН МОҲИЯТИ

**Меҳнаткашларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш — коммунистик тарбиянинг муҳим таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорларида илмий-атеистик пропагандани кучайтириш, унинг ҳужумкорлигини таъминлаш, янгича совет маросимларини турмушга кенг тадбиқ этиш зарурлиги алоҳида уқтирилган эди.**

**Редакциямиз ҳам атеистик билимларни янада изчил тарғиб қилиш, атеистик пропаганда таъсирчанлигини ошириш мақсадида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ СИРТҚИ АТЕИЗМ УНИВЕРСИТЕТИНИ очишга қарор қилди. Ҳар ойда бир марта ўтказиладиган университет машғулотларини етакчи атеист олимлар, партия ва совет ходимларидан иборат Совет аъзолари олиб борадилар.**

**Бир йилга мўлжалланган машғулотлар программасида марксизм-ленинизм асосчиларининг, коммунистик партиямизнинг илмий атеизм тўғрисидаги таълимоти, атеистик пропагандани ташкил этиш тажрибаси, янгича урф-одатларни кенг меҳнаткашлар турмушига сингдириш ва бошқа масалалар ўрин олган. Шунингдек, атеистик пропаганда билан шуғулланувчиларга ёрдам тариқасида баъзи термин ва иборалар ҳақида тушунчалар, «Атеист кутубхонаси», саволларга жавоблар бериб борилади.**

**«Тошкент ҳақиқати» сиртқи атеизм университетининг совети атеистик тарбия масалалари билан шуғулланувчи партия, совет, комсомол ходимларидан, пропагандист ва агитаторлар, лекторлар, барча газетхонлардан университет машғулотлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишларини сўрайди.**

Замонавий фан ер юзида онгли турмуш бошланганлигига 1 миллион йилдан кўп бўлганлигини исботлаб берган. Диннинг пайдо бўлганлигига эса 100—150 минг йил бўлган, холос. Археологик қазилмалар ҳам узоқ ўтмишда яшаган аждодларимиз диний эътиқодга эга бўлмаганликлари, диний маросимлар ўтказмаганликларидан далолат беради. Бу дин тарихий тараққиётнинг маълум даврида пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Ибтидоий даврларда одамлар онги жуда паст бўлганлиги сабабли улар табиат ҳодисалари — зилзила, ёнғин, момақалдироқ, ижтимоий воқеалар — ўлим, очлик, касаллик кабиларнинг асл моҳиятини билмаганлар.

Айни пайтда ибтидоий одамнинг табиат билан курашда кучсизлиги, чорасизлиги ҳам қандайдир мўъжизакор кучларга ишонч туғдирган. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин «ваҳший одамнинг табиатга қарши курашда ожизлик қилиши, худоларга, шайтонларга, мўъжизаларга ва шу сингариларга ишонишини туғдирди», деб кўрсатган эди.

Шундай қилиб, ибтидоий одамларнинг табиатга қарамлиги, табиат ва жамият ривожланишининг қонуниятларини билмасликлари сабабли дин келиб чиқди.

Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» асарида динга шундай таъриф берган: «Ҳар қандай дин кишиларнинг кундалик ҳаётида уларга ҳукмронлик қиладиган ташқи кучларнинг кишилар миясида хаёлий акс этишидан, дунёвий кучларнинг ғайри дунёвий кучлар шаклида акс этишидан бошқа нарса эмас».

Бу таъриф дин акс этиш инъикос эканлигини кўрсатади. Ташқи кучларнинг (табиий офатлар, эксплуатация ва ҳоказолар) одамлар устидан ҳукмронлик қилиши — диний акс этишнинг бош сабабидир.

Қадимги диний тушунчалар ҳозиргиларидан фарқ қилади. Масалан, дастлаб якка худо тушунчаси бўлмаган. Аксинча ўша пайтда тотемизм — яъни бир гуруҳ кишилар билан маълум ҳайвонлар, қушлар ёки ўсимликлар ўртасида ғайри табиий боғланиш бор деган тушунча бўлган.

Тотемизм Ўрта Осиё халқларининг ўтмишига ҳам хосдир. Буни ўша даврларда дарахтлар, ўсимликлар, ҳайвон ва қушлар муқаддаслаштирилганида ҳам кўриш мумкин. Уларга сиғинишнинг излари ҳозир ҳам сақланиб келяпти.

Диний тасаввурларнинг қадимги шаклларидан бири анимизмдир. Анимизм жон ва руҳларга сиғиниш демакдир. Бундай тасаввурлар ҳамма халқларга хос бўлган.

Маълумки, ҳаёт кўп қирралидир. Қадимги одамлар ҳар бир соҳани бошқарадиган худо бўлади, деган тушунчада бўлишган. Шу сабабли ҳам кўп худолик — политеизм пайдо бўлган. Аммо ижтимоий тараққиёт политеизмдан якка худочиликка ўтишни тақозо этган. Бу ислом динининг пайдо бўлишида ҳам ўз ифодасини топди.

Эрамизнинг еттинчи асри бошларига келиб Арабистон ярим оролида уруғчилик-қабилачилик тузуми йўқолиб, унинг ўрнида синфий муносабатлар қарор топа бошлади. Уруғчилик-қабилачилик тузумининг емирилиши, савдо-сотиқнинг ёмонлашуви, шаҳарлардаги турмушнинг оғирлашиб кетганлиги, тарқоқ қабилалар қўшни халқларнинг ҳужумларини қайтара олмай қолишлари бу қабилаларни бирлашишга, мустақил давлат ташкил этишга мажбур этди.

Ўша вақтда қайси уруғ, қабиланинг иқтисодий мавқеи баланд бўлса, унинг урф-одатлари, маросимлари, худоси ҳам ҳукмронлик қиларди.

Ислом пайдо бўлиши арафасида Арабистон ярим оролида 350 тадан ортиқ қабила бўлиб, унинг ҳар қайсисининг ўз худоси бор эди. Араб қабилаларининг сиёсий томондан бирлашишга интилиши уларнинг диний эътиқодларига ҳам таъсир қилди. Шунинг натижасида ўз аҳамиятини йўқотган қабилачилик — кўп худолик дини ўрнига барча қабилаларга мослаштирилган якка худолик дини — ислом пайдо бўлди. «Ислом» сўзи арабча бўлиб, бўйсуниш, итоат этмоқ, деган маънони беради.

Арабистон ярим оролида ташкил топган феодал давлати исломни ўз идеологияси қилиб танлади. Бу бежиз эмас эди.

Ислом таълимотининг марказида итоаткорлик ғояси ётарди. Бу итоаткорлик ҳар томонлама характерга эгадир. Чунончи, одам худога, подшоларга, мавжуд тартиботга бўйсуниши, болалар ота-онасига, аёллар эркакларга сўзсиз бўйсуниши шарт. Яъни ислом синфий тенгсизликни жорий қилди ва буни ўз ҳимояси остига олди.

Ислом пайдо бўлганидан бошлаб эксплуататор синфларнинг хоҳиш-иродасини бажариб келди. У ҳукмрон синфларнинг манфаатига хизмат қиладиган ахлоқий қоидаларни тарғиб қилди. Уларни қонун даражасига кўтарди. Айни пайтда феодаллар, руҳонийлар манфаатига зид бўлган қарашларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Шунинг учун ҳам Ф. Энгельс «Ягона подшосиз ягона худо ҳеч қачон вужудга келмаган бўлур эди», деб ёзган эди. Ҳақиқатда ҳам ислом подшонинг суянчиғи, феодалларнинг идеологияси эди.

Бу дин таълимотининг асосини худонинг иродасига, мавжуд тартиботга бўйсуниш ташкил этади. Исломда феодал муносабатлари абадий, у ўзгармас, деган тушунча тарғиб қилинади, салб юришлари, ўзга халқларнинг территориясини босиб олиш, урушлар, қон тўкишлар оқланади.

Ислом динининг реакцион моҳияти фақат шулардангина иборат эмас. Бу таълимот инсон бахтини осмондан, ғайритабиий кучлардан излайди. Ислом кишиларнинг битмас-туганмас имкониятларига ишончни йўққа чиқаради. Ҳамма нарсани худо иродасига боғлаб, инсонлардаги ташаббускорликни сўндиради, уни пассивлаштиради. Ислом ҳам бошқа динлар каби олам манзараси, табиат ва жамиятнинг ривожланиши тўғрисида ғайри илмий тушунчаларга асосланади. Мазкур дин таълимотида инсон эрки, иродаси инобатга олинмайди. Бу эса инсоннинг гармоник ривожланиши ва ҳар томонлама ўсиб-унишига тўсиқлик қилади.

Исломдаги тақдир, жаннат, жаҳаннам ва бошқа таълимотлар аниқ мақсадларни кўзлайди. Улар динга ишонувчиларни ўз аҳволларига кўникишга, ўз оғир қисматларига чидашга чақиради.

Хулоса қилиб айтганда, ислом бошқа динлар каби ўз моҳиятига кўра замонавий фанга, материалистик дунёқараш, илмий хулосаларга зид таълимотдир. У ҳеч қачон табиат ҳодисаларини, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини тушунишга ёрдам бермаган, бундан кейин ҳам ёрдам бера олмайди. Шунинг учун ҳам у халқ оммасининг онгини заҳарлайди, кишиларни маънавий қолоқлик ботқоғига ботиради. Кишиларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантиришгина уларни дин афюнидан қутқаради. К. Маркс айтганидек, «Динни танқид қилиш инсонни хом хаёллардан халос қилади, халос қилганда ҳам у хом хаёллардан холи, оқил инсон сифатида фикр юритиш, ҳаракат қилиши ўз воқелигини яратиши учун, ўз атрофида ва ўзининг ҳақиқий қуёши атрофида айланиши учун халос қилади».

**МУСТАҚИЛ ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:**

**К. МАРКС, Ф. ЭНГЕЛЬС, В. И. ЛЕНИН** дин тўғрисида. «Ўзбекистон нашриёти, 1981 йил.
**А. ОРТИҚОВ. Ислом динининг келиб чиқиши ва унинг социал моҳияти.** «Ўздавнашр». 1961 йил.
**М. УСМОНОВ. Ислом ақидалари ва маросимлари.** «Ўзбекистон» нашриёти. 1975 йил.

